

3-МАВЗУ: ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР ВА МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Р Е Ж А

3.1. Ижтимоий-иқтисодий тизим, ижтимоий-иқтисодий формация, ижтимоий-тизим нусхалари.

3.2. Мулкчилик муносабатлари ва уларнинг иқтисодий мазмуни

3.3. Мулкчиликни асосий шакллари ва турлари.

3.4. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш йўллари ва усуллари

**Иқтисодий
тизимнинг
таркибий
қисмлари:**

Ишлаб чиқарувчи кучлар.

Иқтисодий муносабатлар.

Технология ва ишлаб чиқаришнинг табиий
шарт–шароитлари.

Иқтисодий шароитлар.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ишлаб чиқариш воситалари ва уларни ҳаракатга келтирувчи кишилар бирлигидан иборат.

Кишилар учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни такрор ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий алоқа ва муносабатлар **иқтисодий муносабатлар** дейилади.

**Иқтисодий
муносабатларнинг
турлари:**

Ташкилий иқтисодий муносабатлар - ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш орқали вужудга келади.

Масалан, бунга меҳнат тақсимоти, унинг ихтисослашиши ва кооперацияси, ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ва уйғунлаштириши натижасида вужудга келадиган муносабатларни киритиш мумкин.

Ижтимоий – иқтисодий муносабатлар - ҳаётий неъмат ва воситаларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келади.

Жамият - тараққиётнинг ҳар бир босқичида ишлаб чиқарувчи кучлар ва иқтисодий муносабатлар мавжуд турининг бирлиги ишлаб чиқариш усулини ташкил қилади.

ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ ТУРЛАРИ

Анъанавий иқтисодий тизим – кишиларнинг иқтисодий хатти-ҳаракати ва жамиятдаги ҳамма масалаларнинг ҳал этилиши, яшаш учун кураш, урф-одат ва анъана асосида амалга оширилиши билан тавсифланади.

Маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодий тизим – ресурс ва даромадларнинг ишлаб чиқарилиши, тақсимоти давлат томонидан ҳал этилади, ҳамма моддий ресурслар ва ишлаб чиқариш маҳсулотлари давлатга тегишли экани билан тавсифланади.

Бозор иқтисодиёти тизими – хусусий мулкка асосланган ҳар бир ишлаб чиқарувчининг шахсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий муаммоларни ҳал этиш.

Аралаш иқтисодий тизим – бозор давлат назорати ёрдамида тўлдирилади.

*Таснифлаш
мезонлари–*

Уч асосий
муаммони
ҳал этиш
усули:

- * Нима ишлаб чиқариш?
- * Қандай ишлаб чиқариш?
- * Ким учун ишлаб чиқариш?

Жамият тараққиёт босқичларини билишга турли ҳил ёндашувлар





Жамият иқтисодий тараққиёти босқичларинини белгилари
(Америкалик иқтисодчи У.Ростоунинг “Иқтисодий ўсиш босқичлари”
китобига асосан)

Анъанавий жамият

.қишлоқ хўжалиги устуворликка эга;
.йирик ер эгалари ҳуқумронлигига асосланади;
.оддий ёки примитив меҳнат қуролларининг қўлланиши;
.меҳнат унумдорлигининг ниҳоятда пастлиги.

Ўтқинчи жамият

- марказлашган давлат қарор топади;
- ижтимоий меҳнат тақсимоти чуқурлашади;
- хунармандчилик вужудга келади ҳамда тадбиркорлик шакллари ривожлана бошлайди;
- иқтисодий жамғариш жараёни бошланади.

Индустриал жамиятга ўтиш

- меҳнат қуроллари такомил-лашиб, саноат тўнтариши юз беради;
- меҳнат унумдорлиги ўсади;
- ишлаб чиқриш инфратузил-маси ривожлана бошлайди;
- қўл меҳнати ўрнини машиналар эгаллайди;
- жамғариш нисбатан тезроқ ўсиб боради.

Мулкчилик шакллари

Мулкчилик шакллари



Хусусийлаштириш - давлат мулкига эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий шахсларга ўтишидир.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш бир қатор йўллар билан амалга оширилади:

давлат корхоналарини акциядорлик жамиятига айлантириш,

давлат корхонасини сотиб, уни жамоа мулкига айлантириш;

мулкни қийматга қараб чиқарилган чеклар (ваучер) бўйича фуқароларга бепул бериш;

мулкни айрим тadbиркор ва иш бошқарувчиларга сотиш;

айрим давлат корхоналарини чет эл фирма ва фуқароларига сотиш ёки қарз ҳисобига бериш;

давлат мол-мулкани аукционларда ким ошди савдоси орқали сотиш ва ҳ.к.

Давлат мулкани хусусийлаштириш

Мулкни бепул бўлиб бериш орқали
хусусийлаштириш

Меҳнат жамоаларига бепул топшириш

Барча жамият аъзоларига бепул бўлиб
бериш

Аҳолининг айрим ижтимоий
қатламларига бепул бериш

Ҳар бир жамият аъзосининг давлат
мулкани ҳосил қилишдаги иштироки,
яъни қўшган ҳиссасига қараб бўлиб
бериш

Фойда келтирмаётган корхонани
меҳнат жамоасига бўлиб бериш

Мулкни сотиш орқали хусусийлаштириш

Меҳнат жамоаларига сотиш

Барча жамият аъзоларига сотиш

Ким ошди савдосида фуқароларга ёки
юридик шахсларга сотиш

Корхоналарни кейинчалик меҳнат
жамоалари томонидан сотиб олиниши
шарти билан ижарага бериш

Чет эл фирмалари ва фуқароларига
ташқи қарзни узиш эвазига бериш ёки
сотиш

Мулкни бепул бўлиб бериш ҳамда сотиш
усулларини уйғунлаштириш орқали
хусусийлаштириш

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш босқичлари

I-босқич (1992-1993 йиллар)

- Умумий уй-жой фондини, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тизими корхоналарини хусусийлаштириш

II-босқич (1994-1995 йиллар)

- Кўплаб ўрта ва йирик корхоналар ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш ҳамда уларнинг акцияларини республика қимматли қоғозлар бозорида сотиш

III-босқич (1996-1998 йиллар)

- Акцияларининг назорат пакети давлат мулкида бўлган йирик корхона ва тармоқларни хусусийлаштириш

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш босқичлари

IV-босқич
(1998-2002
йиллар)

- Хусусийлаштирилган корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб этиш, бошқарув самарадорлигини ошириш ва мулкчилик янги муносабатларини тўлақонли амал қилиши учун шароитлар яратиш

V-босқич
(2003
йилдан
бошлаб)


- Хусусийлаштириш жараёнлари самарадорлигини ошириш ва жадаллаштириш, иқтисодиётда хусусий секторнинг иштирокини фаоллаштириш ва салмоғини ошириш

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга бўлган ёндашувнинг хусусиятлари:

- дастурлар асосида босқичма-босқич амалга оширилиши;
- мақсадли ва манзилли (адресли) йўналтирилганлиги;
- тўловлилиги.

Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари:

- хусусийлаштириш амалга оширилаётган ислохотларнинг ички мантиқига бўйсундирилади;
- хусусийлаштириш жараёни давлат томонидан бошқарилади;
- хусусийлаштиришни ҳуқуқий-меъёрий жиҳатдан таъминлашда қонунларга риоя этилади.



Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш йўллари:

- Давлат корхонасини ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш;
- Давлат корхонасини жамоа мулкига айлантириш;
- Давлат мулкани чеклар (ваучер) бўйича фуқароларга бепул бериш;
- Мулкни айрим тadbиркор ва иш бошқарувчиларга маълум шартлар бўйича бериш;
- Чет элликларга сотиш ёки қарз ҳисобига бериш;
- Давлат мол-мулкани кимошди савдоси орқали сотиш.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш усуллари:

- пулли ёки ҳақини тўлаш орқали;
- бепул ёки текин;
- имтиёзли.



Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш – бу давлат мулки ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шаклларини вужудга келтиришдир.

Хусусийлаштириш – бу давлат мулкига эгаллик ҳуқуқининг давлатдан алоҳида шахсларга ўтишидир.